*Ўзбекистон ўз ер ости бойликлари билан ҳақли равишда фахрланади -- бу ерда машҳур Менделеев даврий системасининг деярли барча элементлари топилган*

**Ислом КАРИМОВ**

# БУХОРОНИНГ ЯНГИ МИНОРАЛАРИ

### ЧИНОРЛАР ВА МИНОРЛАР

Бухоронинг чинорлари паст-паст, минорлари баланд-баланд бўлади.

Чинорларининг паст-паст бўлишига сабаб шуки, ер шўр, дарахтларнинг томирлари чуқур кетса, тузга етиб қолади.

Минорлари баланд-баланд бўлишининг боиси шундаки, меъморлар қаттиқ меҳнат қилиб, обидалар «илдиз»ини чуқур ерлардан қуриб чиққанлар.

Бутун олам бу шаҳарда инсон қўли билан бунёд этилган қадим ёдгорликларга лол қолиб келяпти.

Бухоронинг энг юксак минораси -- Минораи Калон. У 43 метр.

Яқинда Бухорода янги икки минор қад кўтарди. Уларнинг баландлиги -- 120 метр.

Бу -- Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи миноралари!

### ҚЎЛ ИШДА БЎЛСА...

Бухорои шарифдан Қоровулбозор сари йўлга тушсангиз, Когонга етмасдан ўнгда ёнилғи шохобчаси бор. Пештоқига нақшбандиянинг бош шиори -- «Дил -- ба ёр-у, даст -- ба кор!» сўзлари катта-катта ҳарфлар билан битиб қўйилган.

Мақсад Қоровулбозордаги завод қурилишини ёритиш бўлгани учунми, бу гал айни шу сўзлар бутунлай бошқача -- маъноси ҳам кучайиб кетгандек туюлди.

Агар қўл ишлаб турса, инсон нималар яратмайди!

### САРДОБА

Қоровулбозорга кетяпмиз. Чўл, чўл... Йўл бир пастга эниб, бир баландга ўрлайди. Иссиқ.

Бу ерларда илгари одам юрмаган бўлса керак, деб ҳам ўйлайсиз. Кўп ўтмай Қоровулбозор шаҳри тугаб, йўл завод қурилиши сари бурилганда, ўнг қўлда эски сардобани кўриб, хато қилганингизни англайсиз.

Баланд-баланд минорлар қурган қўли гул халқ чуқур-чуқур сардобалар ҳам бунёд этган. Қоровулбозордагидек сардобани ҳатто Шарқнинг ҳам камдан-кам ерида учратасиз. Илож йўқки, машинадан тушиб, одамзод ақлию қўлларининг кучи билан яратилган бу ноёб меъморий санъат намунасини томошо қилиб ўтасиз.

«Сардоба» «сард», яъни совуқ ва «об», яъни сув сўзларидан ташкил топган. Сардобани кўрмаганлар тасаввур қилсинларки, чўлу биёбонда одамлар бир чуқур қудуқ қазиганлар. Лекин бу қудуқнинг фарқи шундаки, саҳни худди катта бир ҳовузча келади. Ҳовуздан фарқи шундаки, қудуқнинг усти пишиқ ғиштдан гумбаз қилиб ёпилган.

Юртимиз Буюк ипак йўли узра бир макон эди. Эҳ-ҳе, бу тупроқлардан нене карвонлар ўтмаган! Одатга кўра, ҳар бир «туя тўхтами»да бир сардоба қурилган. Бир «туя тўхтами» эса 60 --80 чақирим масофада бўлган. Ростдан ҳам, Навоий шаҳридан Бухорога қараб йўлга тушсангиз, кўп ўтмай катта асфальтнинг чап тарафидаги сардобага дуч келасиз. Бухорои шарифнинг ўзида икки сардоба мавжуд. Бири -- «Халфайи Худойдод» масжидида, иккинчиси -- Абу Али ибн Сино номли мактаб ҳовлисида. Кейинги «туя тўхтами» эса Қоровулбозорга тўғри келиши табиий. Қоровулбозор қадим-қадимдан Бухородан Қарши сари йўл олган карвонлар учун тўхташ жойи бўлган. Сардоба йўловчилар жонига оро кирган. Ахир, жазирама иссиқда, бир биёбоннинг қоқ ўртасида муздай сувга қониб-қониб дам олишга нима етсин!

Ота-боболаримизнинг ҳисоб-китобию илмига қойил қолмай илож йўқ. Сардоба ҳозир ҳам муздай сувга тўла. Ер ости сувлари айнан шу ерга тўпланади. Сардобанинг бир кириш йўли -- «дарвоза»си, 9 «дераза»си бор. Ёмғир сувлари ҳам атрофдан оқиб келиб, сардобага тушади, тинийди, совуйди.

### ЯНГИ ИПАК ЙЎЛИ

Айтмоқчиманки, қадим замонларда одамлар тижорат ва саёҳат воситаси сифатида сув ичиш учун шу қадар катта меъморий иншоотни барпо этган бўлса, шу халқнинг вакиллари бўлган биз -- бугунги авлод мамлакатимиз иқтисодиёти учун сув-ҳаводек зарур нефть ва газ маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун завод қурмайликми?!

Агар ҳозир хоҳлаган саноати юксак даражада ривожланган мамлакат вакиллари Қоровулбозорда -- чўлнинг қоқ ўртасида бунёд этилган бу мўъжиза янглиғ заводимизни кўрсалар, бизга тан беришдан бўлак иложлари қолмайди.

Сардобага яқин ердаги мозор ҳам бу ерда илгари замонлардан одамлар истиқомат қилганига гувоҳлик беради. Бироқ завод Қоровулбозорга тамоман янги ҳаёт бағишлагани рост. Энди бу маскан, шубҳасиз, фақат Ўзбекистоннинг эмас, ер юзининг машҳур гўшаларидан бирига айланди. Нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилаяптими, билингки, бу ердан янги Ипак йўли ўтади.

Буюк ипак йўли юртимизни умум жаҳон бозорига қўшган эди. Жаҳон бозорига қўшилган мамлакат эса тараққиётсиз қолмайди.

### ҲАМ ИҚТИСОД, ҲАМ СИЁСАТ

Дунёда жуда кўп нарсаларга эгалик учун тинимсиз кураш кетади. Нефть ҳам кўп қадим замонлардан буён одамлар, мамлакатлар, сиёсатлар ўртасидаги курашларнинг асосий майдони бўлиб келяпти. XX асрда Шарқ , хусусан, Яқин Шарқ бутун олам сиёсатининг қизғин ҳудудларидан бирига айланиб қолганига сабаб ҳам шу -- бу ерларда нефть кўплиги.

Тангри юртимиз ер остида тап-тайёр газ конденсатининг катта заҳирасини йиғиб қўйибди. У тўппатўғри қувурлар орқали Кўкдумалоқдан Қоровулбозоргача оқиб келади, қайта ишланиб, турли тайёр ёнилғи турларига ажратилади. Бир томчиси ҳам чиқитга чиқмайди.

Нефти бор мамлакат бой давлат ҳисобланади. Шундай юртлар борки, уларнинг асосий даромади айнан ана шу табиий бойлик кетидан. Масалан, Саудия Арабистонида давлат даромадининг 85 фоизи нефтдан тушади. У, асосан, хорижга нефть экспорт қилади. Ҳолбуки, мамлакат аҳолисининг қарийб тўртдан уч қисми қишлоқ хўжалиги билан банд. Бундай қолоқлик ўрнини ҳам нефтдан олинаётган фойда қоплаяпти.

Ёки Қувайтни олинг. Нефтдан келадиган даромад давлат бюджетининг асосини ташкил этади.

Нефть фақат иқтисодгина эмас. Нефти борнинг сиёсатда ҳам тили узунроқ бўлади.

### МИНТАҚАДА ТЕНГИ ЙЎҚ

Ўзбекистон ўз имкониятларини жаҳон меъёрларига чўғлаб кўра бошлади. Мамлакатда нефть мустақиллигини қўлга киритмай туриб, иқтисодий равнаққа эришиш мушкул эди. Кейинги икки ярим йил мобайнида асосий диққат ана шу Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилишига қаратилди. У мустақиллик йилларидаги энг муҳим қурилишга айланди.

Бежиз эмаски, Президентимиз Ислом Каримов шу йилнинг 22-23 майида ўтган «Ўзбекистоннинг нефть ва газ салоҳияти» халқаро конференцияси қатнашчиларига йўллаган табрикларида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ва Кўкдумалоқ конидаги компрессор станцияси қурилишлари ҳақида тўхталиб: «Бутун минтақада буларга тенг келадиган иншоотлар йўқ», -- дедилар.

### ПАСАЙИШ ЭМАС, ЮКСАЛИШ

Ўтган олти йил ичида мамлакатимиз ўта мураккаб жараёнларни бошдан кечирди. Ишлаб чиқаришнинг кўп соҳаларида узилишлар бўлди. Собиқ иттифоқнинг барча ҳудудларида талай соҳалар бўйича кўрсаткичлар пастлаб кетди. Биз ҳам ўтиш даврининг ўзига хос табиий жараёнларини кечиряпмиз.

Шу билан бирга, нефть ва газ биз учун юксалаётган соҳалардан.

Ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистон амалда нефть мустақиллигига эришди.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга тушса, хорижга нефть маҳсулотлари экспорт қиладиган мамлакатлардан бирига айланамиз.

### «НАФТ»МИ ЁКИ «НЕФТЬ»?

«Ўзбекистон Республикаси» энциклопедиясидаги маълумотларга қараганда, нефть қазиб олиш бизда 1904 йилдан изчиллашган. 1959 йилга келиб эса Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг дастлабки тизими ишга туширилган.

Бироқ, нефть халқимизга илгари замонлардан маълум эди. Алишер Навоийнинг бундан роппа-роса 514 йил муқаддам ёзиб тугалланган «Фарҳод ва Ширин» достонида Фарҳод Яман савдогарлари кемасини қароқчилар ҳужумидан ҳимоя қилади. Босқинчилар нефть солинган идишларни ирғитиб, кемани ёндирмоқчи бўлганларида, Фарҳод уларни камон билан нишонга олиб, қўлларида ушлаб турган жойида портлатиб юборар эди. Навоий ҳазрат «нефть» сўзини «нафт» деб ишлатганлар:

*Ки урди нафтлиқ*
*қорурани-ўқ,*
*Ушотти ул*
*ёлинлиқ кўрани ўқ.*

Албатта, биз «нефть» сўзини рус тилидан олганмиз. Лекин билмаганмизки, у асли ўзимизда бўлган.

### ЗАВОД ВА ЗАМОН

Ҳар даврнинг ўз мезонлари, ўз иншоотлари бўлади. Халқимиз бунёд этган Катта Фарғона канали ҳамон тилларда достон. Нефтни қайта ишлаш заводи -- замонамизнинг энг йирик бунёдкорлик ишларидан бири. Уни бутун Ўзбекистон қурди.

Қурилишда иш айни авж олган, иншоотни топширишга қизғин тайёргарлик маҳалида заводга кириб бордик. Тушлик энди бошланган экан. Дарвозадан одамлар худди аскарлар каби тўп-тўп бўлиб чиқиб келяпти. Завод ҳовлисидан ташқарида -- шундоққина йўлнинг ўнг тарафида ошхона. Тушгача баракали меҳнат қилган ўзбекистонлик, туркиялик қурувчиларнинг юришлари дадил-дадил Улар ўз меҳнатларидан рози.

Завод қурилишида иш энг қайнаган пайтларда бу ерда меҳнат қилаётганлар сони 8 мингдан ошибди. 8 минг одам бир кунда ишни қанчалар дўндиргани, иншоотни ишга туширишни нечоғлик яқинлаштирганини тасаввур қилинг.

Ҳеч кимнинг меҳнати ёки касбини камситмаган ҳолда, айтмоқчиманки, Қоровулбозорда ишлаган кишилар мамлакатимиз ва халқимиз равнақи йўлида улкан вазифани амалга оширдилар.

Қурилишда 18 бош пудратчи ташкилот иштирок этди. Яна қанча ёрдамчи ташкилотлар қатнашди. Вилоят ҳокимининг қарори билан барча трестлар жалб этилди. Вилоят ҳокимининг биринчи муовини раислигида завод қурилиши вилоят штаби тузилди.

Бу қурилиш фақат кўлами, мамлакат саноатидаги аҳамияти жиҳатидангина эмас, энг замонавий техника ва технология ютуқларидан фойдаланган ҳолда, жаҳонда мисли кўрилмаган суръатлар билан бунёд этилгани тарафидан ҳам эътиборли. Дунё стандартлари бўйича бундай завод қуриш учун ўртача 7-8 йил керак. Бизда эса бу иш бор-йўғи икки ярим йилда ниҳоясига етказилди. Олинажак маҳсулотнинг сифати бўйича ҳам у ер юзининг олди корхоналаридан бири ҳисобланади.

Заводнинг технология қисмини Франциянинг машҳур «Текнип» фирмаси қурди. У ерда Туркиядан келган қурувчилар ишлади.

Завод газ конденсатини қайта ишловчи қурилмалар мажмуи ҳамда умумий завод хўжалигига тегишли 137 объектдан ташкил топган.

Газ конденсатини қайта ишлайдиган қисми тайёр бўлди.

### КЎЛАМ

Юрий Николаевич Кочнев. Бир кам олтмишда. Бухорои шарифда туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи. Бир неча орден-медали бор. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши бош дирекциясининг директори. Завод қурилиши муносабати билан яқинда «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. Зилзиладан кейин Газли шаҳрини қайта тиклашда жонбозлик кўрсатган. Газли -- Нукус газ қувурлари, Дамхўжа -- Бухоро сув қувурлари қурилишида раҳбарлик лавозимларида ишлаган.

-- Бу улкан иншоот қурилиши кўламини Сизчалик ҳис қиладиган одам бўлмаса керак, -- дея гапга соламан Юрий Николаевични.

-- Менга қолса, бу кўламни ўзимнинг оғирлигим билан ўлчаган бўлардим, -- дейди гапни ҳазилга буриб Юрий ака. -- Икки ярим йил бурун 80 килограмм эдим. Ҳозир, кўряпсиз, хипчагина бўлиб қолдим. 11 кило оздим...

Директор бир кеча-кундузда бор-йўғи уч-тўрт соат ухлайди. Сўнгги икки ярим йил -- умрининг энг баракали парчаси. Она юрт учун, мамлакат равнақи йўлида 11 кило вазн «сарфлаган»и, қайтага, уни қирчиллама йигитга айлантириб қўйгандек.

— «Ўзмонтажмахсусқурилиш» завод учун махсус буюртма асосида ишлади. Умуман, ўзимиздаги, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги 20 га яқин завод буюртма асосида янги иншоот қурилиши учун ускуналар чиқарди, -- дейди у.

Директорни яна гапга соламан:

-- Мана, заводнинг технология қисмида француз муҳандислари ишлаяпти. Уларнинг мутахассисларимиз ҳақидаги фикри қандай?

-- Француз ҳамкасбларимиз бош муҳандис Бахтиёр Жунайдович Олимовнинг малакасига қойил қолишяпти, -- дейди Юрий ака. -- Умуман, билим бўйича мутахассисларимиз французлардан қолишмайди. Фақат техникада ўзиб кетишган. Шу техника билан ҳам шунчалар завод қураётганимизга улар ҳайрон.

Юрий Николаевич рақамлар билан сўзлашни яхши кўради. Келинг, мен ҳам вилоят иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси маълумотларини келтирай.

Шартномавий нархларда айтганда, завод қурилишига дастлабки тайёргарлик бошланган 1993 йилдан то шу йилнинг 1 августига қадар жами 25 миллиард 314 миллион 500 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. 1991 йил нархлари бўйича ҳисоблаганда, бу 341 миллион 860 минг сўмни ташкил этади. Ўтган йили бутун Бухоро вилоятидаги қурилишлар учун сарфланган маблағнинг 61,5 фоизини завод қурилиши ташкил этган эди. Бу йилнинг етти ойи мобайнида вилоят қурилишлари учун 15 миллиард 267 миллион 700 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилган бўлса, шунинг 10 миллиард 679 миллион 200 минг сўми завод ҳиссасига тўғри келади. Бу умум вилоят кўрсаткичининг 70 фоизи деган гап. Бухорода шаҳарнинг 2500 йиллиги олдидан жуда катта қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаётгани эсланса, завод мамлакатимиз учун қанчалар йирик иншоот экани ҳақида тасаввур ойдинлашади.

### «ҚОРОВУЛПАРИЖ» ЁКИ ИСТИҚЛОЛ МЎЪЖИЗАСИ

Юрий Николаевич чертиб-чертиб гапиради:

-- Биз қурган завод ишчи-хизматчилари яшаши учун мўлжалланган шаҳарчани ҳазиллашиб «Қоровулпариж» деймиз. Агар бугун дунёда шаҳар тушунчасининг намунаси Париж бўладиган бўлса, чўлнинг ўртасида барпо этилган бу шаҳарча ҳам ҳеч бир жиҳатдан Париждан қолишмайди. Бу ерда инсоннинг эмин-эркин, замонанинг энг юқори турмуш маданияти даражасида яшаши учун барча қулайликлар яратилган...

«Барча қулайликлар яратилган» деган ифода шўролар замонасида ўринли-ўринсиз ишлатилавериб, қулоққа бетаъсир бир гапдек эшитиладиган бўлиб қолган. Бироқ завод қурилиши директорининг бу сўзлари, ишонинг, тамоман ўз маъносида қўлланяпти.

Заводдан уч-уч ярим чақиримча нарида қумли барханлар текисланиб, 230 гектарлик бир макон барпо этилган. У ерда нақд 700 та бир ва икки қаватли, уч, тўрт, беш ва олти хонали чинакам ўзбекона ҳовли солинган. Улар шаҳар десангиз -- шаҳар, қишлоқ десангиз -- қишлоқ ҳовлисини эслатади.

Шаҳарни эслатиши шундаки, ҳар бир хонадон сув билан иситилади, ҳар хонага чўян иситгичлар ўрнатилган. Ҳар бир уйнинг алоҳида иситгич ўчоғи бор. Ванна, ҳожатхоналар ҳам худди шаҳарларнинг кўп қаватли уйларидагидек. Марказлаштирилган канализация мавжуд. Хоналарнинг шинамлиги, ошхона ва меҳмонхоналарни жойлаштиришда миллий шарт-шароитлар ҳисобга олинганини айтмайсизми?!

Қишлоқ ҳовлисини эслатиши шундаки, ҳар бир ҳовлининг чор атрофи девор билан ўраб олинган, чиройли дарвоза ўрнатилган Ҳовли ўртасида тап-тайёр экиладиган ер майдони мавжуд. Ҳамма ҳовлига кўча ёқалаб ўтказилган ариқлардан қувурлар орқали оқар сув келади. Марҳамат, дасту панжангиз бўлса, деҳқончилигингизни қилаверинг. Ҳар бир ҳовли этагида молхона бор. У бир қишки оғил, бир сомонхона ва бир ёзги айвондан иборат комплекс. Хоҳланг -- қўй, сигир боқинг, хоҳланг -- у ерда паррандачиликни йўлга қўйинг, хоҳланг -- ундан бирор ҳунар устахонаси сифатида фойдаланинг. Бу ёғи энди сизнинг ишбилармонлигингизга боғлиқ.

Ҳовлилар шу даражада пишиқ-пухта қурилганки, кирасиз -- яшайверасиз. Машинангиз дарвозадан ичкарида туради. Ҳовлилар меъморий жиҳатдан имкон қадар бир-бирини такрорламайди. Бу кўчалар кўркига кўрк бахш этиб турибди.

Замонавий ҳовлининг ўзи ҳали шаҳар дегани эмас.

Бу ерда ҳовлилардан ташқари, яна 41 та ижтимоий ва маданий-маиший бино барпо этилган. Боғча-яслилар, мактаблар, клуб, меҳмонхона, маиший хизмат уйи, ошхона, ресторан, чойхона, саунали ҳаммом, алоқа бўлими, нон цехи, поликлиника, бозор, спорт комплекси, теннис корпуси, бассейн...

Ўзбекистон тарихида ҳеч қачон бирваракайига 700 оилага мўлжалланган, энг замонавий талабларга «лаббай» деб жавоб берадиган бунақа шаҳарча бунёд этилган эмасдир.

Заводни қўя турайлик. Ана шу шаҳарча қурилишининг ўзинигина ҳисобга олганда ҳам, бу -- истиқлол мўъжизаси.

### ОЛАМНИНГ ГУЛ БЎЛГАНИ

Қоровулбозорга кираверишда, асфальт йўлнинг икки чеккасида ариқчалар ковланиб, шу йил эрта баҳорда улар бўйига турли дарахт кўчатлари ўтказилган. Деярли ҳаммаси кўкарибди. Кўкармай нима қилсин, ахир, ариқча бўйлаб ҳар юз қадамда бир крандан сув оқиб турган бўлса! Чўлда дарахт ўстиришнинг бундан бўлак йўли йўқ. Ҳамонки, Қоровулбозорда янги бир ҳаёт бошланаётган экан, шаҳар шаҳардек бўлсин-да.

Меҳнат ҳақида баландпарвоз гаплар одамга эриш туюлади. Лекин завод билан боғлиқ меҳнат кўламини кўриб, гапирмай ҳам илож йўқ.

Бир пайтлар хориждаги қурилишларда саранжом-саришталик шу даражадаки, ҳатто бир замбар ахлат ҳам кўрмайсиз, деб таърифланар эди. Қоровулбозор қурилишида иш айни жадал суръатлар билан кетаётган бир қизғин пайтдаги озодаликни кўриб, ҳавас қиласан киши. Қурилиш авжида. Аммо завод ҳовлисидаги ерлар текисланиб, эрта баҳорда дов-дарахтлар экилди ҳам. Завод ҳовлисининг ўзида 36 гектарга нақд минг туп кўчат ўтқазилди.

Бухорода «Ман дил кунам -- оламро гул кунам», -- деган мақол кўп ишлатилади. Бу «Мен дил қилсам, яъни истасам, оламни гул қиламан», -- деган маънони беради.

Қоровулбозорни кўриб, ўзбекнинг дил қилгани -- оламни гул қилганига амин бўласиз.

### БОШ ПУЛЬТ

Завод қуриб битказилди. Шу лаҳзаларда у пультни босиб юборишни кутиб, тап-тайёр бўлиб турибди.

Энг замонавий корхона қад кўтарди Бу заводда кимлар ишлайди? Уларнинг малакаси қандай?

Саволимга жавоб олиш учун завод бош директори Эгамберди Мухторович Сайдаҳмедовни азот-кислород станциясида ҳар кунги режалаштириш ўтказаётган жойда топдим. Йигирма-йигирма беш мутахассис йиғин қиляпти. Назаримда, энг ёши -- Эгамберди. Ўзи-ку 38 га чиқди. Бироқ жуда ёш кўринади. Гаплари эса...

Ҳамманинг қўлида лойиҳа. Гап қайси бир ускунани бор-йўғи 25 миллиметр у ёққа-бу ёққа суриш ҳақида боряпти. Лойиҳа ҳар қанча пухта-пишиқ бўлса ҳам, қурилиш, хусусан, заводни ишга туширишга тайёрлаш юмушларининг ҳар қадамида муаммо. Уларнинг барини ақл-фаросат, аниқ ҳисоб-китоб, кучли билим билан ҳал этиш керак.

Эгамбердининг бир соатлик мажлисида қатнашиб, ўзбегимнинг ақл-шуури бугун нималарга қодир эканлигига амин бўлдим. Ғурурланиб кетдим.

У нефтни қайта ишлаш жараёнларини такомиллаштириш бўйича 1988 йили номзодлик диссертациясини ёқлаган. Фарғона нефтни қайта ишлаш бирлашмасида бош технолог бўлиб ишлаган.

-- Завод ишга тушса, юқори сифатли маҳсулот ола бошлаймиз. Газ конденсатидан этилсиз бензин олинади. Сифати жуда юқори бўлади. Жаҳон андозаларига жавоб берадиган маҳсулотларга эга бўламиз, -- дейди Эгамберди. -- Иш ўрганиб, тажриба тўплаб келиш учун бир неча мартадан Франция, Англия, Россияга мутахассислар юбордик. Бухоро ва қашқадарёлик 170 кишини Фарғонада олти ойлик курсларда ўқитдик. Улар бу шаҳардаги заводда ишлаб, стажировка қилиб, иш ўрганиб қайтишди. Шу ернинг ўзида «Текнип» фирмаси тарафидан ўқитилди. Шароитга қараб мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёни давом этади. Лекин завод ҳар қанча катта бўлгани билан, у шу қадар автоматлаштирилганки, бор-йўғи 1 минг 200 га яқин киши ишлайди, холос...

Хуллас, бугун кимки олти йил мобайнида Ўзбекистон нималарга эришганини мўъжаз ҳолда тасаввур қиламан, деса, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини бориб кўрсин. Шунда у олти йилда биргина шу завод қуриб битказилганини ҳисобга олганда ҳам, мустақиллик қандай улуғ неъмат эканини англаб етади. Ҳолбуки, бу завод истиқлол даврининг ягона иншооти эмас.

Шуни ҳам ҳис этасизки, бу заводнинг қад кўтариши бизда ҳали яратувчилик ишларининг бошланиши, холос.

**Султонмурод ОЛИМ.**



СУРАТЛАРДА:
*Қоровулбозорда бунёд этилган нефтни қайта ишлаш заводидан лавҳалар ва завод ишчилари учун уй-жойлар.*

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

# Barakat Co. Ltd.

**Ўзбек халқини мамлакат мустақиллигининг олтинчи йиллиги билан чин қалбдан муборакбод этади!**

Юрагимиз тўридаги самимий
тилакларимизни қабул қилгайсиз.

Биз ушбу байрам шодиёналарини катта ҳаяжон ва қувонч билан кутаяпмиз.
Ўзбек халқи қалбида узоқ йиллар давомида тўлиб-тошган
мустақиллик тўғрисидаги азалий орзу рўёбга чиқди.
Айни пайтда мустақиллик Ўзбекистоннинг буюк келажагини белгилаб берди.

Озод Ўзбекистоннинг тараққиётида Сизга
омад доимо ҳамроҳ бўлсин!
Токи Сизнинг хонадонингизни тинчлик,
файзу барака ва фаровонлик ҳеч қачон тарк этмасин!
Ушбу байрамнинг ойдин туйғуси Сизнинг
қалбингизда абадий сақланиб қолсин!



# БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

## МУБОРАК ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

*Ўзбекистоннинг барча аҳолисини мустақиллигимизнинг олти йиллик тўйи муносабати билан чин қалбдан муборакбод этади.*

*Мустақиллик боис гўзал ва бетакрор диёримизнинг улкан табиий бойлигидан тўлиқ, аввалambor, ўз халқимиз манфаатлари учун фойдаланишга киришдик.*

**Биз-келажаги буюк Ватанимизнинг истиқболига комил ишонч билан қараймиз.**

## АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

*Барчангизни улуғ айём билан муборакбод этар эканмиз, оилавий бахт, юртимизга тинч-тотувлик, фусункор мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлидаги касби-корингизга зафарлар тилаймиз.*

## ЯРАТГАННИНГ ЎЗИ ДОИМ БИЗГА МАДАДКОР БЎЛСИН!


magiCam PAL
8 mm VIDEO CAMERA RECORDER

# Видеокамера VP-K85



*16 карра оптик катталаштирувчи ва рангли видеоизловчи 8 мм.ли видеокамера.*

- Такомиллаштирилган юқори сифатли рангли видеоизловчи.
- 16 карра оптик катталаштириш.
- HI-FI Stereo товуш.
- Ёруғликни кучайтириш учун ичига қўйилган лампа.
- 5 режимли автоэкспозиция.
- Махсус рақамли безаклар (электрон ва сунъий ёруғлик фильтрининг вазифаси).
- Титларнинг ичига жойлашган генератор.
- Катталиги ташриф карточкасидек келадиган масофадан бошқариш пульти.

## Фирма дўконлари

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ТОУ Ко. Лтд. | *Тошкент* | Амир Темур кўчаси, 110 | (3712) | 34-02-58 |
| | | | | 35-09-86 |
| Кафолат Файз | *Тошкент* | Эскижўва кўчаси, "Чорсу" бозори | (3712) | 42-29-89 |
| Кафолат Файз | *Тошкент* | Қодирий кўчаси, 1, "Турон" меҳмон. | (3712) | 41-46-38 |
| Отахон | *Фарғона* | Ал-Фарғоний кўчаси, 20 | (3732) | 24-78-76 |
| Наврўз | *Андижон* | Мустақиллик кўчаси, 14 | (37422) | 43-8-60 |

Technology that works for life
SAMSUNG ELECTRONICS

Шартнома асосида етказиб бериш масаласи бўйича мурожаат этинг:
"Самсунг Электроникс Ко." Алмати офис:
Алмати, Орбита-3, 52"А"-уй.
Тел.: (3272) 20-55-36, 20-39-47, 20-63-05.
Факс: 20-12-38.

SAMSUNG



КАМАЛАК-ТВ

# KAMALAK-TV -Paiging

"Камалак-ТВ-Пейжинг"
Ўзбек-америка қўшма корхонаси
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ
катта ва қувончли
БАЙРАМ —
Республика Мустақиллигининг
олти йиллиги муносабати
самимий билан муборакбод этади!



*Келажаги буюк Ўзбекистон давлатини барпо этиш, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги кўп қиррали ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда инсон манфаатларини рўёбга чиқариш йўлидаги бунёдкорлик фаолиятингизда янги муваффақиятлар ёр бўлсин.*

*Ҳаммангизга мустаҳкам соғлик, омад ва бахт-саодат тилаймиз!*

"Камалак-Тв-Пейжинг"
қўшма корхонаси жамоаси.

## Наманган вилояти:

# МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДАН ОЛТИ ЙИЛ





### МАЪЛУМОТНОМА

** 1991 йилда вилоятда 110 та саноат корхонаси мавжуд эди. Ҳозир уларнинг сони 150 тадан ошиб кетди.*

** Ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг 95 фоизи, халқ истеъмол молларининг 97,3 фоизи нодавлат сектор улушига тўғри келмоқда.*

** 1990 йилгача 95,8 минг хонадон газлаштирилган бўлса, мустақиллик йилларида 100 мингдан зиёд хонадонда «зангори олов» ёнди.*

** Ўтган олти йил мобайнида вилоятда дон ишлаб чиқариш 3 баробар, картошка -- 44,6, сабзавот -- 7, узум -- 5,1 фоиз кўпайди.*

** 1017 та деҳқон (фермер) хўжалиги 11294 гектар суғориладиган ерда турли маҳсулотлар етиштирмоқда.*



Т. ҲАМРОҚУЛОВ, Т. МАҲКАМОВ, П. АКБАРОВ олган суратлар.

● *ҲАМКОРЛИК*

## ХОРИЖНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

**Вилоятда чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорликда бунёд этилиб, фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар тобора кўпайиб бормоқда.**

Намангандаги «Аснамтекстиль» Ўзбекистон -- Туркия қўшма корхонаси -- шулардан бири. Ушбу корхона Германияда ишлаб чиқарилган энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, йилига 3020 тонна жаҳон андозалари даражасида ип ишлаб чиқаради.

Айни пайтда у тўла қувват билан ишламоқда. 300 нафардан зиёд йигит-қиз иш билан банд. Келгусида уларнинг сони 500 нафарга етказилади.

● *ЕР — ХАЗИНА*

## МЕҲНАТГА ЯРАША ДАРОМАД

Тажрибамдан биламанки, ерни қадрлаган, ардоқлаган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Фақат унга меҳр ва эътибор керак. Мустақиллик туфайли заминга бўлган муносабатимиз ҳам ўзгарди, деҳқончилик маданияти юксала бошлади. Буни биргина хўжалигимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Жорий йилда 226 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил олдик. Режадагидан 1,5 минг тонна кўп сара дон тайёрланди. Бу ютуққа, айниқса, Қосимжон Жўраев, Иномиддин Пирматов бошлиқ бригадалар, Адашали Кенжаев, Баҳром Боймирзаев, Одил Азизов каби оилавий пудратчилар муносиб ҳисса қўшдилар. Бу жамоаларда ҳосилдорлик 70--80 центнерга етказилди.

Шунингдек, хўжалигимизда 60 гектар ерга Голландиядан келтирилган кечки картошка уруғи ҳам экканмиз. Мақсадимиз -- ҳар гектар ердан 300 центнердан ошириб ҳосил олиш. Бу марра, албатта, забт этилади. Деҳқонларимиз ана шу ниятда сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

**Эсонбой ҲАСАНБОЕВ,**
**Косонсой туманидаги Навоий номли ширкатлар уюшмаси раиси.**



## СУВ КЕЛТИРГАН АЗИЗ

**Узоқ йиллардан буён Наманган шаҳри ва унинг атрофидаги туманлар аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммо бўлиб келарди. Айниқса, кейинги йилларда шаҳар кенгайиб, янги-янги мавзелар пайдо бўлгач, бу муаммо янада долзарб тус олди.**

Шундай бир шароитда республикамиз Президентининг «Аҳолини тоза ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисида»ги Фармони чиққани наманганликлар жонига аро кирди. Ушбу ҳужжатга биноан, Учқўрғон -- Наманган сув узатиш иншоотининг қурилиши бошлаб юборилди. Уни ишга тушириш учун жуда катта ҳажмда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиши, яъни 37 километрлик сув узатиш тармоқлари барпо этилиши лозим эди. Лойиҳани амалга ошириш учун эса республика бюджетидан катта миқдорда маблағ ажратилди. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори қабул қилинди.

Учқўрғон -- Наманган сув узатиш иншооти қурилишида вилоятдаги барча қурилиш ташкилотлари иштирок этдилар. Иш икки-уч сменада ташкил этилиб, кунига 2-2,5 минг нафар киши меҳнат қилди. Натижада 3 миллиард сўмга яқин маблағ ўзлаштирилиб, иншоотнинг биринчи босқичи фойдаланишга топширилди. Бундан Наманган аҳолиси ғоят мамнун.

**Ўз мухбиримиз.**

● *ТИЛИМИЗ ТАШВИШЛАРИ*

**Тил шундай қадрият ва миллий белгики, ҳар бир халқнинг тафаккур тарзи, маънавий бойлиги, руҳияти шу асосда шаклланади. Президентимизнинг «Халқнинг миллий маънавияти ва ўзига хослигини ифода этувчи восита бўлмиш ўзбек тилини ривожлантириш ва бу тилнинг давлат мақомини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш» учун қайғуриши беадад. Шу жиҳатдан Адлия, Меҳнат, Мудофаа, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, Ўзбекистон Қуролли Кучлари академияси, Жасорат боғи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки каби ягона давлат тилида ёзилган минглаб ўрин-жой номлари кўпайиб, давлат тили жамият ҳаётига кенгроқ кириб бормоқда. Турғунлик даврида бу фақат хаёлий орзу эди.**

## ЎЗЛИГИНГНИ АНГЛАТУР...

Айни чоқда ўрин-жой номларини қонунга зид ҳолда икки тилда ёзиш давом этмоқда. Жумладан, Маданият ишлари, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, «Узбекуголь» -- «Ўзбеккўмир», «Узкультстрой» -- «Ўзмаданийқурилиш», Объединение-Бирлашма каби икки тилли ёзувлар фикримизнинг далилидир. Улар ёндош тураркан, ўзбекчасини қўллаш фаоллашмайди. Ҳозиргача «Болалар дунёси», «Марказий телеграф», «Савдо маркази», «Жанубий вокзал» каби номларнинг жонли тилда эркин қўлланганини эслай олмаймиз. Бу ҳол матбуотда ҳам учрайди. Айниқса, икки тилнинг грамматик қурилишини бирлаштирган «театр «Ҳамза» театри», «кафе «Парвоз» кафеси» ёзувларига нима дейсиз?

Устига устак, сўнгги пайтларда яна бир хорижий тилда ёзиш бошландики... Балки бу тил соҳасида «ихтиёрий интеграция»га интилишдир? Масалан, республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Санъатшунослик, Авиация, Кимё-технология институтлари номлари ўзбек ва инглиз тилларида, «Ўзбекистон телемаркази», Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши, Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракати Марказий Қўмитаси, «Ўзулгуржибиржасавдо», Учувчилар техник ўқув маркази ўзбек, рус ва инглиз тилларида ёзилган.

Одам ўйланиб қолади: ўтмишдаги икки тилли ёзувлар мустамлака белгиси эди. Мустақилликка эришилган, тил масаласи Конституция ва қонунда аниқ белгиланган бир пайтда яна бир чет тилида ёзиш... бу ниманинг белгиси? Тўғри, кимдир ўрин-жой номларини 2-3 тилда ёзиш чет тилларни ўрганишга кўмаклашади, деб ўйлар. Аммо гап тил ўргатиш усули ҳақида эмас, балки қонунни бажариш ҳақида бораётир. Тил соҳасида шошма-шошарлик бефойдалигини ўйлаб, уч йил муддат берилган модданинг 7-8 йил давомида ҳам бажариш ўрнига тобора мураккаблашиб боришини ҳам тушуниб бўлмайди.

Давлат идоралари номлари ва расмий-оммавий ҳужжатларни кўп тилда ёзиш, истаймизми-йўқми, давлат тили мавқеини чеклаб, қонун олдида масъулиятсизлик туғдиради, уни билиш эҳтиёжи йўқолади. Натижада давлат тили нафақат халқаро муносабатларда, ҳатто ўз юртида ҳам йирик тилларга тенглаша олмайди. Масалан, Навоий шаҳрида ишлаб чиқарилган шакарни инглизча ва русча ёзувлар билан савдога чиқариш, телевидениеда ўзбек тилида эшиттириладиган «Янгиликлар»ни уч тилда ёзма қайд этиб туриш, айрим газеталарни 3-4 тилда номлашдан мақсад нима? Аёнки, рус тили ҳукмрон бўлган йилларда ҳам телевидениеда бундай тарғибот йўқ эди. Бу ҳолда агар тилимиз илгари биргина марказ тили таъсирида бўлган бўлса, ҳозирги ҳолатда бора-бора икки йирик хорижий тил таъсирига тушиб қолмасмикан?

Буни қарангки, савдо билан боғлиқ жойларда, ҳатто ажнабийлар қадами етмайдиган овлоқ ерлардаги ҳаваскор сотувчилар дўкончасида ҳам савдо, тижорат, дўкон сўзлари ўрнида shop, kommersial, comersial сўзларини кўрасиз. Тушунилиши қулай бўлган савдо маркази, савдо растаси каби азалий бирикмалар ҳам бўлар-бўлмасга хорижий сўзлар билан алмаштирилмоқда. Хўш, бундай номларни халқимиз ёппасига ўқиб тушунаяптими? Борди-ю, «Barakat» compani Limited номини «Чекланган «Barakat» ширкати» деса бўлмайдими? Шунингдек, бирлашма, жамият, уюшма каби сўзлардан ҳам фойдаланиш мумкин. «Сервис» ҳам оддийгина «хизмат» демакдир.

Таажжубки, «Luckj strike», «Kent», «Marlboro», «Hollywod», «Winston» деган ёзувлар махсус шитларда, осмонўпар бинолар тепасида кўз-кўз қилинмоқда. Ичкилик ва кашандаликка қарши гапирамиз-у, айни чоқда уларни тарғиб қиламиз. Айрим савдо нуқталарида «Хуш келибсиз», «Очиқ», «Ёпиқ» сўзларини хорижий тилларда ўқийсиз. Буларни кўриб, бир гуруҳ ҳамюртларимизда ўзлигини таниш ҳисси йўқми ёки чет элликлар хорижий ёзувларга шунчалар муҳтожми, дегингиз келади. Ёки шу билан савдо маданияти ошиб, чайқовчилик, қаллоблик йўқоладими? Гап ўзбек диёри ҳақида бораётганини унутмайлик. Хорижий тиллардаги ёзувларнинг тегишли жойларда бўлиши ёки муҳим воқеалар муносабати билан кўргазма, бирор нарса-ҳодисани намойиш этиш, у ҳақда хабар бериш мақсадида эълон, шиор, афиша кабиларнинг турли тилларда ёзилиши табиий ва қонуний. Аммо ўринсиз, яъни моддий қийинчиликлар вақтинча мавжуд, кишилар онгини қандай бўлмасин пул топиш ғояси чулғаб олган бир пайтда хорижий ёзувларга ружу қўйиш миллий маънавиятни шакллантиришга акс таъсир этмайдими, демоқчимиз.

Бизнингча, юқоридаги баъзи ҳолатлар икки сабаб билан боғлиқ. Бири Шўро даврида шаклланган лоқайдлик касаллиги бўлиб, давлат бошлаб берган хайрли ишларни якунлашда, жумладан, кўча номларини ёзишда изчиллик етишмади, ижрочилар масъулият сезмади. Булардан айримларини маҳаллий ташкилот ходимлари, маҳалла фаоллари, ҳатто уй эгалари тузатса ҳам бўлади, яъни кўчамиз номи ўзгарган экан, эшигимиз тепасидаги эски ёзув-номни олиб қўйсак, асакамиз кетмайди. Қуйидан ташаббус йўқ экан, мамлакатимиз ҳудудидаги мустамлака ва шўро даврини эслатувчи талай ўрин-жой номларини ўзгартириш осон кечмайди. Масалан: ул. Агахи//Агахий ёки ул. Депутатская, ул. Зольная каби ёзувлар тураверади.

Хуллас, ҳар қандай ҳолатда ҳам, Ўзбекистон тасарруфидаги ҳар бир ташкилот номи юртимизда, қонунга мувофиқ, ягона давлат тилида ёзилиши шарт. Чет эл элчихоналари, уларга тегишли идора ва халқаро ташкилотлар, қўшма корхона номлари эса ўзбек ва тегишли хорижий тилда ёзилиши мумкин. Ана шундагина Давлат тили ҳақидаги қонунга амал қилган бўламиз.

**Аминжон МАМАТОВ,**
**филология фанлари номзоди.**

● *ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ*

**Суҳбатдошимиз: Комилжон САПИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, «Чағаниён» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси.**

**1950 йилда туғилган. Олий маълумотли, мутахассислиги — техник-муҳандис. Оилали, тўрт нафар фарзанди бор.**

## ЮКНИ БАРАВАР КЎТАРАЙЛИК

**-- Мустақиллик байрами яқинлашмоқда. Республикамизда ушбу қутлуғ санани нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳар қадамда сезилиб турибди. Ана шундай дамларда хаёлингиздан нималар кечмоқда?**

-- Ҳар йили ушбу қутлуғ санани кўнглим ифтихорга тўлиб, ҳаяжон билан кутиб оламан. Эрку озодлик аждодларимизнинг асрий орзуси эди. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор... Бугунги саодатли кунларда босқинчилар тўплари томонидан вайронага айлантирилган муқаддас шаҳарларимизни, халқимиз чеккан кулфатлар, жабру зулмлар, хўрлигу ҳақоратлар, танаю дашномларни асло ёддан чиқармаслигимиз керак. Мустақиллик бизга осмондан тушган назир эмас. Мен мустақиллик руҳи, мустақиллик масъулияти бизни бир зум ҳам тарк этмаса, дейман.

Яқинда Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобини ўқиб чиқдим. Асар бошидан охиригача Ватан, халқ тақдири, келажаги ва равнақи тўғрисида безовталик билан ёзилган. Ана шу безовталик руҳи барчамизга ўтиб, мустақиллик юкини ҳаммамиз баробар кўтаришимиз керак.

**-- Дарҳақиқат, тўғри айтдингиз. «Биз -- мустақилмиз», дея хотиржамликка берилиш ярамайди. Озодликка эришишдан кўра, уни сақлаб қолиш мураккаброқ. Буни йўлбошчимиз жуда кўп бор такрорлашлари бежиз эмас.**

-- Ҳа, яшанг! Атрофимиздаги давлатлар бошдан кечираётган сиёсий-иқтисодий таназзул, қуролли низоларни кўриб турибмиз. Шундай вазият сақланар экан, мустақил ривожланишимиз анча мушкул кечади. Зеро, асарда таъкидланганидек, «алоҳида олинган бир давлатдаги ҳар қандай можаро узоқ вақт давомида миллий чегаралар доирасида қолиб кета олмайди». Ана шу боисдан ҳам республикамиз раҳбарияти Марказий Осиё маконида тинчлик, осойишталикни сақлаш ҳақида жон куйдирмоқда.

Ўтиш даврининг ўзига хос қийинчилик ва муаммолари бўлади. Баъзан айрим юртдошларимиз шукур қилиш ўрнига икир-чикир камчиликлардан нолиб қолишади. Шундай пайтларда тожикистонлик жамоа хўжалиги раиси Сайдулла аканинг гаплари ёдимга тушаверади. Бир куни у шундай деган эди: «Менга халқингни йиғиб бер. Уларга тинч ва осойишта яшаш ва меҳнат қилишнинг нақадар улкан бахт эканлигини, биздаги қонли низолар аҳолининг бошига не куйлар солаётганлигини айтиб берай...»

Масаланинг яна бир муҳим томони мустақилликни иқтисодий жиҳатдан таъминлашдир. Ўтган олти йил мобайнида бу борада эришилган ютуқларимиз жаҳонни ҳайратга солмоқда, десак лоф бўлмайди. Шу қисқа даврда ғалла, нефть мустақиллигига эришдик. Ўз автомобиль саноатимиз вужудга келди. Тўқимачилик тармоғи жадал суръатларда ривожланиб бормоқда.

Аммо бу ишлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Биз камарни қаттиқроқ боғлаб, келгусида яхшироқ яшаш учун мустаҳкам пойдевор қуряпмиз.

**-- Иқтисодий баркамолликка эришишнинг ягона йўли -- меҳнат. Корхонангиз аҳли ҳам буни яхши тушунса керак?**

-- Автокорхонамиз 1995 йили ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган. 300 га яқин автотранспорт воситаларимиз бор. Деярли вилоят аҳолисининг ярмига транспорт хизмати кўрсатамиз. Деновдан республикамизнинг барча йирик шаҳарларига транспорт қатнови уюштирилган. Ўтган етти ой давомида 4,5 миллион сўмдан зиёд соф фойда кўрдик. Аҳолига фақат транспорт хизмати кўрсатиш билан чекланиб қолганимиз йўқ. Жамиятимиз қошида автомобиль эҳтиёт қисмлари билан таъминловчи шўъба, тикув ва ғишт ишлаб чиқарувчи, шахсий машиналарни таъмирловчи цехлар, қурилиш ташкилотлари очганмиз. Уларнинг хизматидан аҳоли мамнун.

Корхонада ишчилар ва уларнинг оилалари учун ошхона, спорт зали, сауна, даволаш шохобчаси, дам олиш ва ўқувчилар оромгоҳлари ишлаб турибди.

Жиддий муаммоларимиздан бири -- эҳтиёт қисмлар масаласи. Шу масаланинг ечими бироз қийин кечмоқда. Аммо ҳаракат қилаяпмиз. Бу борада бошқа корхоналарга қараганда аҳволимиз ёмон эмас. Интилганга толе ёр, деган гап бор. Эҳтиёт қисм йўқ, деб қўл қовуштириб ўтирсак бўлмайди.

**-- Депутатлик фаолиятингиз хусусида ҳам қисқача тухталсангиз.**

-- Байрам арафасида Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессияси бўлиб ўтади. Унда давлат ва жамиятимиз равнақи йўлида хизмат қилувчи бир неча муҳим ҳужжатлар ва қонунлар лойиҳаси муҳокама этилади. Қонунлар жамият ҳаётини тартибга солиб турувчи ҳужжатлардир. Қонуни пухта мамлакатнинг тараққиёти ҳам жадаллашади. Шу боисдан, қонунларимиз ва бошқа ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларимиз жаҳон андозаларига тўғри келишига интилмоқдамиз.

Депутатларнинг асосий вазифаси -- қонунлар устида ишлаш. Аммо сайловчиларнинг ариза ва шикоятлари, оғзаки мурожаатлари билан ҳам шуғулланиш лозим. Мен депутатлик фаолиятимнинг дастлабки куниданоқ, бошлабоқ қабул кунларини белгилаб қўймаганман. Одамлар билан ишда ҳам, йўлда ҳам, уй ва тўй-томошаларда ҳам гаплашиб, илтимосларини бажариб кетавераман. Ана шу мулоқотлар натижасида шундай хулосага келдим. Аҳоли кўпинча маҳаллий бюрократлардан, лавозимини суиистеъмол қилувчи тўралардан азият чекаркан. Пенсиямни ололмаяпман, деб келишади. Суриштирсангиз, пул бор, лекин бошлиқ рўйхатга қўл қўймаган ёки шунга ўхшаш бир арзимаган баҳона.

Халқимизни мана шунақанги хўжасизлик, сансоларлик, тўрачилик каби иллатлар сарсон қилмоқда. Бу ҳол кадрлар танлашда ҳамон эскича ишлаётганимизни кўрсатади. Бўлажак сессияда кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур лойиҳаси ҳам муҳокама қилинади. Унда кадрлар тайёрлаш борасидаги мавжуд нуқсонларни бартараф этиш борасида ҳам муҳим таклифлар олға сурилишига аминман.

**А. КАРИМОВ суҳбатлашди.**

## АНДИЖОН — ДЕҲЛИ ЎРТАСИДА ҲАВО ЙЎЛИ ОЧИЛДИ

ТУ-154 ҳаво кемаси Андижон аэропортидан кўтарилиб, биринчи марта тўппа-тўғри Ҳиндистон пойтахтига йўл олди.

«Андижонтурист» вилоят акционерлик жамияти ташаббуси, вилоят ҳокимлиги ҳамда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси мадади билан Андижондан Деҳлига самолётларнинг қатнови бошланди.

Андижон билан Деҳли ўртасида самолёт ойига икки марта қатнайди.

**К. НИЗОМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА – ЯНГИ ФАН

**Бўлажак ҳар бир мутахассис ўз касбининг моҳир устасигина эмас, шу билан бирга, демократик ўзгаришлар ва инсон ҳуқуқларига риоя қилиш пойдеворига қурилган янги жамиятнинг фаол аъзоси бўлиши лозим. Республикамизда амалга оширилаётган таълим ислоҳотининг мақсади ана шундай.**

Барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида янги ўқув йилидан бошлаб шу ислоҳотга кўмаклашадиган бир қанча янги фанлар жорий этилади. Уларнинг орасида «Инсон ҳуқуқлари» ва «Амалий иқтисодиёт» деган иккита махсус курс ҳам бор. Бу курсларнинг ҳар бири бўйича жаҳондаги таълим тажрибаси асосида дарсликлар, ўқув дастурлари ва методик қўлланмалар яратилган. Уларни ишлаб чиқиш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги етакчи олимлар ва мутахассисларни жалб этган.

Янги фанлар ўқитувчиларини тайёрлаш учун ТошДУ ва Тошкет давлат иқтисодиёт университетида қисқа муддатли махсус курслар ишлаб турибди. Бу курсларнинг тингловчилари ўқиш тугаганидан сўнг ўзига хос имтиҳон-суҳбатдан ўтгач, иш бошлаш имкониятига эга бўладилар. Октябрь ойидан бошлаб эса, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги махсус курс бўйича машғулотлар ўтказадиган ўқитувчилар учун 4-6 ойга мўлжалланган қайта тайёрлаш курслари очилади.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

